



БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Дарвишов Сарварбек Рустамович,

Тошкент давлат аграр университети мустақил изланувчиси

Email: sarvarbekdarvishov81@gmail.com

SPECIFIC CHARACTERISTICS OF PLANNING AND ORGANIZING FORENSIC ACCOUNTING EXPERTISE

Darvishov Sarvarbek Rustamovich,

Independent researcher at Tashkent State Agrarian University

Email: sarvarbekdarvishov81@gmail.com

JEL Classification:M1, M4, M41

Аннотация. Мақолада суд-бухгалтерия экспертизасини режалашириши ва ташкил қилиши ҳақида маълумот берилган. Суд-бухгалтерия экспертизасини амалга оширишида ушибу жараёнларни режалашириши ҳамда ташкил қилиши борасида олимларнинг фикрлари тадқиқ қилинган. Шунингдек, суд-бухгалтерия экспертизаси ўтказишдаги ҳужжатлашириши ва ҳужжат турлари ҳақида ҳам тушунча берилган. Шу билан бирга суд-бухгалтерия экспертизасини режалашириши ва ташкил қилиши масалалари тартибга солувчи норматив-хуқуқий асослари ҳам ёритилган.

Abstract. The article provides information on planning and organization of forensic accounting expertise. The opinions of scientists on the planning and organization of these processes during forensic accounting expertise have been studied. Also, documentation in conducting forensic accounting expertise and document types are also explained. At the same time Normative and legal bases regulating issues of planning and organization of forensic accounting expertise are also covered.

Калим сўзлар. Суд-бухгалтерия экспертизаси, иқтисодий жиноят, низо, режалашириши, ташкил қилиши, режа, дастур

Key words. Forensic accounting expertise, economic crime, conflict, planning, organization, plan, program

Кириш. Бухгалтерия хисобини юритиш жараёнида бухгалтерия хисоби субъектлари ўртасидаги ёки жисмоний шахслар билан юз берадиган бухгалтерия хисобига оид низолар шунингдек, бухгалтерия хисобини юритиш билан боғлиқ турли хил суюистемолликлар, талон-тарожликлар, хўжалик ҳамда мансаб билан боғлиқ бўлган иқтисодий жиноятларда маҳсус иқтисодий билимлардан суд-бухгалтерия экспертизасига мурожаат қилинади. Чунки бухгалтерия хисобини юритиш билан боғлиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ёки жисмоний шахслар билан юз берадиган низолар, иқтисодий жиноятлар содир этилганда уларни терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд мухокамасида суд-бухгалтерия



экспертизаси хulosаси асосий далиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ёки адвокат томонидан қўйилган саволларга эксперт-бухгалтер томонидан илмий асослантирилган хулоса бериш мақсадида ишга доир бўлган бухгалтерия ҳамда ишнинг бошқа хужжатларини тадқиқ қилишни ифодалайди.

Ҳар қандай тадқиқотда режалаштириш ва ташкил қилиш тадқиқотнинг тўғри бажарилиши ва хато-камчиликлардан ҳоли бўлишга ёрдам беради. Тадқиқотларни олдиндан режалаштириш ҳамда тўғри ташкил қилиш бу ишнинг энг муҳим қисми бўлиб, у тадқиқотнинг самарадорлиги ҳамда сифатли ўтказилишини таъминлайди. Шунингдек, тўғри ташкил қилинган ҳамда пухта ишлаб чиқилган режалар тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига эришиш имконини беради. Айнан пухта режалаштирилган ҳамда тўғри ташкил қилинган суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказилиши ишнинг ўз вақтидаadolатли, холис ва қонуний ечим топишини таъминлайди.

Суд-бухгалтерия экспертизаси фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларида амалга ошириладиган процессуал ҳаракат бўлганлиги боис уни режалаштириш ҳамда ташкил қилиш масалалари бевосита процессуал қонун хужжатлари ҳамда бошқа норматив-хукуқий хужжатлар билан тартибга солинган. Мазкур масалалар илмий ишларда тадқиқ қилинган бўлсада, лекин уни пухта ўрганишни талаб қиласиган бир қатор ҳал этилмаган ва ўрганишни талаб қиласиган масалалар мавжуд. Шу нуқтаи назардан, суд-бухгалтерия экспертизасини

режалаштириш ва ташкил қилишни илмий жиҳатдан ўрганиш ҳамда уни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Материал ва методлар. Мазкур мавзу бўйича тадқиқотлар ўтказиш учун илмий тадқиқот методологиясининг тегишли умумилмий методлари, жумладан, илмий тадқиқот методологиясининг умумилмий методларидан: назарий методлар - анализ ва синтез, таққослаш, умумлаштириш, индукция, дедукция каби методлардан фойдаланилди. Умумилмий эмпирик методлардан: тадқиқот обьекти устида кузатув олиб бориш (текшириш, мониторинг, ўрганиш ва умумлаштириш); адабиётларни шарҳлаш, хужжатлар ва фаолият натижаларини ўрганиш каби эмпирик методлардан фойдаланилди.

Суд-бухгалтерия экспертизасини режалаштириш ва ташкил қилиш билан боғлиқ ишлар етакчи олимлар эътиборидаги масалалардан бири бўлиб келган. Жумладан, маҳаллий ҳамда хорижий олимлардан М.М.Махбубов, Ш.Я.Жумамуродов[9], У.К.Кайимов[14], Д.Р.Жалолова, Ҳ.А.Боқиева[3], А.А.Амонов[1], Т.В.Зырянова, А.Л.Полухина[13], Е.Р.Россинская[5], Е.С.Дубоносов[6], С.А.Звягин, Е.П.Мальцев[10], Ю.Н.Ширимов[11], Л.В.Каширская[8], Е.П.Нелезина[4] каби бир қатор олимларнинг илмий тадқиқот ишларида суд-бухгалтерия экспертизасини режалаштириш ва ташкил қилиш масалаларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилинганини кузатиш мумкин. Лекин, илмий адабиётларда суд-бухгалтерия экспертизасини режалаштириш ҳамда ташкил қилиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган. Айниқса, эксперт-бухгалтер томонидан ўтказиладиган тадқиқотнинг мураккаблиги суд-

бухгалтерия экспертизасининг режалаштириш ҳамда ташкил қилиш жиҳатларига янада пухта, тизимли ва эҳтиёткорлик билан ёндашишни талаб қилади.

Шунингдек, илмий адабиётларда олимлар томонидан суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишда хужжатлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, айниқса режалаштириш ва ташкил қилиш учун қўшимча хужжатлар ишлаб чиқиши таклиф қилинган. Жумладан, Т.В.Зирянова, А.Л.Полухина[13], Е.П.Нелезина[4], С.А.Звягин, Е.П.Мальцевлар[10] томонидан режа-график, дастур ишлаб чиқилиши таклиф қилинган бўлса, Л.В.Каширская[7] томонидан эса бюджет муассасаларида технологик харита ишлаб чиқилиши таклиф қилиниб улар суд-бухгалтерия экспертизасини самарали ташкил қилиш учун ёрдам бериши таъкидланган.

Мазкур хужжатларга кисқача тўхталадиган бўлсак, режа-график бу умумий режа бўлиб, унда суд-бухгалтерия экспертизасининг кутилаётган ҳажми ва тартиби батафсил тавсифланади. Дастур эса режа-график асосида ишлаб чиқилиб, унда суд-бухгалтерия экспертизаси жараёнлари батафсил кетма-кетлика, муддатлари белгиланган ҳолда тузилади ҳамда

у эксперт-бухгалтерга ишни тўғри бажарилишини назорат қилиш ва текшириш воситаси, йўриқнома бўлиб хизмат қилади. Технологик харита эксперт-бухгалтерни ахборотлар билан таъминлаш ва ҳаракатлар алгоритми кетма-кетлигига оид ишчи йўриқномалар тўпламини ифодаловчи хужжат хисобланади.

Натижалар.

Суд-бухгалтерия экспертизасини режалаштириш ва ташкил қилиш

масалаларини тадқиқ қилишда дастлаб суд-бухгалтерия экспертизасини режалаштириш ҳамда ташкил қилиш тушунчаларидан бошлаш керак. Чунки, белгиланган вазифани ўз вақтида, сифатли ва тўғри бажарилиши ишнинг қанчалик тўғри режалаштирилганлиги ҳамда ташкил қилинганлигига боғлиқ.

Режалаштириш ва ташкил қилиш бу менежментнинг асосий функцияларидан ҳисобланганлиги боис улар суд-бухгалтерия экспертизасини бошқаришда, амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Режалаштириш ва ташкил қилиш тушунчасига адабиётларда турли хил таърифлар берилган. Жумладан, режа сўзининг лугавий маъносига эътибор қаратилса у ишнинг тартиби, кетма-кетлиги ва бажариш муддатини таъминлайдиган олдиндан белгиланган тадбирлар тизими[12] дея таърифланган.

Режалаштириш суд-бухгалтерия экспертизаси тадқиқотининг дастлабки босқичи бўлиб, у тадқиқотнинг мақсади ҳамда белгиланган вазифалардан келиб пухта ҳамда аниқ ишлаб чиқилиши лозим. Чунки, режалаштириш орқали эксперт-бухгалтер томонидан амалга ошириладиган ишлар кетма-кетлиги, тартиби белгиланиб лойиҳалаштирилади. Яъни, режалаштириш орқали эксперт-бухгалтер турли усууллар ёрдамида ишни тўғри тақсимлашга, самарадорлигини таъминлашга ҳамда вақтдан унумли фойдаланишга эришади.

Суд-бухгалтерияси экспертизасини режалаштириш тушунчасига С.А.Звягин, Ю.Н.Ширимовлар “ишни оптималлаштириш ва белгиланган муддатларга риоя қилиш мақсадида эксперт-бухгалтер олдига қўйилган масалаларни самарали ҳал этишини таъминлаш учун олинган топшириқни амалий бажариш ва аниқ қарорлар қабул

қилиш жараёнидир” [11] дея таъриф берганлар. Дарҳақиқат, суд-бухгалтерияси экспертизасини режалаштиришда уни тайинловчи шахсларнинг қарори, ажрими ёки сўрови асосида унда қўйилган масалаларга суд-бухгалтерия экспертизаси объектларини тадқиқ қилиш орқали хulosса бериш учун эксперт-бухгалтер томонидан белгиланган муддатларда амалга ошириладиган ишлар тартиби бўйича лойиҳалаштирилади.

Шунингдек, режалаштириш эксперт-бухгалтерга тадқиқот мақсади учун белгиланган вазифаларни ўз муддатида, сифатли ижросини назорат қилиш учун йўриқнома бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун уни ишлаб чиқиша суд-бухгалтерия экспертизасини тайинловчи субъектлар томонидан қўйилган масалаларга алоҳида эътибор бериш зарур.

Қонунчиликда режалаштириш бўйича алоҳида талаблар белгиланмаган бўлсада, у обьектив сабабларга кўра юзага келади.

Эксперт-бухгалтер томонидан ўз ишини режалаштириш қуийдагиларга имкон беради:

- экспертиза ўтказиш учун белгиланган муддатларга риоя килиш;
- ишнинг барча жиҳатларига тегишли эътибор бериш;
- ишларни оптимал ҳаражатлар билан, сифатли ва ўз вақтида бажариш;
- текширувда иштирок этувчи эксперт гурухи аъзолари ўртасида ишни самарали тақсимлаш;
- экспертлар ишини мувофиқлаштириш;
- эксперт хulosалари ва ишнинг натижаларига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳодисалар, операциялар, хужжатлар, маълумотларни аниқлаш[5].

Суд-бухгалтерияси экспертизасини режалаштиришда эксперт-бухгалтер томонидан суд-бухгалтерияси экспертизаси тадқиқотини ўтказишининг умумий тамойилларига асосан қуийдаги талаблари асосида амалга оширилиши керак:

- комплекслилик – экспертиза тадқиқотининг барча босқичларини ўзаро боғлиқлиги ва изчиллигини таъминлаш;
- самарадорлик – режалаштиришнинг барча босқичларини вақт бўйича, таҳлил қилинадиган саволлар доираси, тадқиқ қилинадиган объектлар рўйхати бўйича боғлаш;
- оптималлик – экспертиза вақтини қисқартириш ва эксперт натижаси самарадорлигини оптималлаштириш имконини берувчи оптимал режани танлаш учун режалаштириш вариантларини тақдим этиш[5].

Демак, суд-бухгалтерия экспертизасини режалаштириш деганда эксперт-бухгалтер томонидан суд-бухгалтерия экспертизасини тайинловчи ваколатли органларнинг қарор, ажрим ёки сўровида қўйилган саволларга илмий асосланган хulosса бериш учун зарур бўлган жараёнларнинг кетма-кетлиги, илмий, услубий ва вақтини назарда тутувчи тадқиқот режасини ишлаб чиқиш тушунилади.

Суд-бухгалтерия экспертизасини бошқаришда ташкил қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки ташкил қилиш жараён сифатида суд-бухгалтерия экспертизасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни тизимли бошқаришни ифодалайди. Суд-бухгалтерия экспертизасини тўғри ташкил қилиниши унга қўйилган мақсад ва вазифалар ижроси ўз вақтида ва сифатли таъминланиши гаровидир. Суд-бухгалтерия экспертизасини ташкил

қилиш ва уни ўтказиш жараёнлари илмий адабиётларда бир неча босқичларга бўлиб ўрганилган. Жумладан:

Т.В.Зырянова, А.Л.Полухина[13], В.И.Зуев[2] ҳамда Е.С.Дубоносов[6] суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишни куйидаги уч босқичга бўлганлар:

1-bosqich. Ташкилий

2-bosqich. Тадқиқот

3-bosqich. Якуний.

Е.Р.Россинская суд-бухгалтерия экспертизаси тадқиқотини куйидаги асосий тўрт босқичга бўлган:

1-bosqich. Тайёргарлик (ташкилий)

2-bosqich. Экспертиза объектларини алоҳида тадқиқ қилиш

3-bosqich. Экспертиза объектларини қиёсий тадқиқ қилиш

4-bosqich. Умумлаштириш, тадқиқот натижаларини баҳолаш ва хуросаларни шакллантириш[5].

Л.В.Каширская суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишни куйидаги беш босқичга бўлган:

1-bosqich. Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказишдан олдинги тайёргарлик

2-bosqich. Суд-бухгалтерия экспертизасини режалаштириш

3-bosqich. Суд-бухгалтерия экспертизаси ишлаб чиқилган режа ва дастурга мувофиқ ўтказиш

4-bosqich. Суд-бухгалтерия экспертизаси сифатини назорат қилиш.

5-bosqich. Суд-бухгалтерия экспертизасини якунлаш[8].

Юқорида олимлар томонидан келтирилган маълумотларда суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш босқичлари умумлаштирган ҳолда уттадан бештагача бўлган босқичларга бўлиш таклиф қилинган.

Умуман олганда суд-бухгалтерия экспертизаси процессуал ҳаракат бўлғанлиги сабабли айrim илмий тадқиқот ишларида суд-бухгалтерия экспертизасини режалаштириш ва ташкил қилиш масаласига юридик томондан ёндашилган. Айниқса суд-бухгалтерия экспертизасини тайинловчи субъект томонидан суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлашга тайёргарлик кўриш яъни суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлаш учун асос бўладиган ҳолатларни текшириб, экспертухгалтер ҳал қилиши учун қўйиладиган саволлар доираси белгилангандан сўнг уни тайинлаш, ўтказиш ҳамда натижаларини баҳолаш билан боғлиқ бўлган жараёнлар нуктаи назаридан тадқиқ қилинганини кузатишимиш мумкин. Лекин мазкур тадқиқот ишимизда суд-бухгалтерия экспертизасини режалаштириш ва ташкил қилиш масаласи суд-бухгалтерия экспертизасини тайинловчи субъектнинг қарор, ажрим ёки сўрови суд экспертизаси муассасаси(ташкилоти)га келиб тушгандан токи улар бўйича хуроса тайёрлаб жўнатишгача бўлган даврда амалга ошириладиган жараёнларни ўз ичига қамраб олади.

Мунозара. Бугун давлатимизда “Ҳаракатлар стратегиясидан – Таракқиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари тубдан ислоҳ қилинмоқда. Шу сабабли, суд-бухгалтерия экспертизасини амалга оширишни режалаштириш ҳамда ташкил қилишга давлатимизнинг суд-хуқуқ, бухгалтерия ҳисоби соҳаларидаги қонунчилик тизимини ислоҳ қилиниши, янги норматив ҳужжатларини жорий этилиши, молиявий ҳисботнинг халқаро



стандартларига ўтиши муносабати билан рўй бераётган ўзгаришлар ҳам маълум даражада таъсир кўрсатмоқда.

Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиши белгиланган муддат уни режалаштириш ҳамда ташкил қилишда алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, суд-бухгалтерия экспертизасини тайинловчи органнинг қарори, ажрими ёки сўровида кўрсатилган тадқиқотнинг ҳажми ва мураккаблигига кўра муддат белгиланади. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низом ҳамда ушбу намунавий низом асосида тизимида давлат суд-экспертиза муассасалари, бўлинмалари бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, нодавлат суд экспертиза ташкилотининг суд экспертизасини ўтказиш тартиби ва мутахассис фикрини беришни назарда тутувчи ички низоми билан тартибига солинади.

Хусусан, 2023 йил 21 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 73-сон қарори қабул қилиниб, мазкур қарор билан суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низом тасдиқланди. Низомда суд экспертизаларининг ҳажми ва мураккаблигига, шунингдек, суд экспертининг иш ҳажмига кўра 30 кун доирасида белгиланиши кўрсатилган. Агарда, тадқиқотларни белгиланган муддат мобайнида бажариш мумкин бўлмаган тақдирда, муддат тугашидан З иш куни олдин экспертиза ташкилоти раҳбари экспертизани тайинлаган органга ёзма ёки электрон равишида хабар қилиб улар билан келишилган ҳолда қўшимча муддат белгилаши мумкин.

Суд-бухгалтерия экспертизасини режалаштириш ва ташкил қилишда албатта суд-бухгалтерия экспертизасининг ҳажми ва мураккаблик даражасидан келиб чиқкан ҳолда муддатларни белгилаш зарур. Муддатларни белгилашда яна бир қатор бошқа омиллар ҳам эътиборга олинади, яъни эксперт-бухгалтернинг малакаси, тажрибаси, иш ҳажми ва бошқалар. Суд-бухгалтерия экспертизасининг мураккаблик даражаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Демак, суд-бухгалтерия экспертизаси аниқ қўйилган мақсад асосида ишни ташкил қилиш ва белгиланган вазифаларни ижросини ўз вақтида, тўлиқ, сифатли ва тўғри таъминлаш учун уларни режа, дастурларда кетма-кетликда, тизимли тузиш орқали суд-бухгалтерия экспертизаси самарадорлигига эришиш мумкин.

Холоса. Суд-бухгалтерия экспертизаси олдига қўйилган мақсад ва вазифаларига эришишда режалаштириш ҳамда ташкил қилиш катта аҳамият касб этади. Чунки, суд-бухгалтерия экспертизаси процессуал ҳаракат ҳамда мураккаб жараён бўлганлиги боис уни ўтказишида эксперт-бухгалтердан юридик ҳамда иқтисодиёт соҳаларига оид билимга эга бўлишни тақозо қиласи. Яъни эксперт-бухгалтер суд-бухгалтерия экспертизасини тайинловчи субъектнинг қарор, ажрим ёки сўрови суд экспертизаси муассасаси(ташкилоти)га келиб тушгандан сўнг унда қўйилган саволларни белгиланган муддатда сифатли ўтказиб ҳамда тўғри холоса беришида норматив-хукукий хужжатларда экспертларга белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга риоя қилган ҳолда ҳаракатларни амалга ошириши зарур. Мазкур жараёнда экспертизаси олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни ижросини ўз вақтида, тўлиқ, сифатли ва тўғри таъминлаш учун уларни режа, дастурларда кетма-кетликда, тизимли тузиш орқали суд-бухгалтерия экспертизаси самарадорлигига эришиш мумкин.



бухгалтер амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кетма-кетлигини тўғри белгилаб олиб уларни ўз вақтида бажарилишини ташкил қилиниши ишнинг самарадорлигига таъсир қиласди.

Эксперт-бухгалтерга берилган топшириқда муддат белгиланганлиги сабабли, топшириқни муддатида сифатли бажарилишини таъминлаш учун амалга оширилиши лозим бўлган ишларни уларнинг ҳажми, ўзининг имконияти, салоҳияти ҳамда амалий тажрибасидан келиб чиқиб кетма-кетлигини белгилаб олади.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда суд-бухгалтерия экспертизасини режалаштириш қўйидаги тартибда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Суд-бухгалтерия экспертизасини тайинловчи субъектнинг қарори, ажрими ёки сўрови ҳамда унда хулоса бериш учун қўйилган саволлар, тақдим этилган суд-бухгалтерия экспертизаси обьектлари билан танишиш.

2. Суд-бухгалтерия экспертизасинининг мақсадини аниқлаш ва унинг вазифаларини белгилаш.

3. Суд-бухгалтерия экспертизаси тадқиқоти услубиётини белгилаб олиш.

4. Суд-бухгалтерия экспертизаси тадқиқотини мураккаблик даражасини аниқлаш.


5. Суд-бухгалтерия экспертизаси тадқиқотини ўтказиш муддатини белгилаш ва суд экспертиза муассасаси(ташкилоти) раҳбари билан келишиш.

6. Суд-бухгалтерия экспертизаси тадқиқотида иштирок этувчи эксперт-бухгалтерлар ўртасида ишни тўғри тақсимлаш.

7. Суд-бухгалтерия экспертизаси вазифаларини кетма-кетликда, белгиланган муддатларда ижросини таъминланиши учун ижрочилари кўрсатилган ҳолда дастур ишлаб чиқиш.

8. Тузилган лойиҳани режа шаклида расмийлаштириш.

Шунингдек, суд-бухгалтерия экспертизасини самарали, ўз вақтида ҳамда сифатли ташкил қилиш суд-бухгалтерия экспертизасини суд экспертизаси муассасаси(ташкилоти)га суд-бухгалтерия экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги хужжатнинг келиб тушиши билан эксперт-бухгалтер томонидан амалга ошириладиган ишларни умумлаштирилган ҳолда қуйидаги уч босқичга бўлган ҳолда ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.



1-чизма. Суд-бухгалтерия экспертизасини амалга ошириш босқичлари¹

Шу билан бирга, бухгалтерия ҳисобини юритиш билан боғлик турли хил суиистемолликлар, талонтарожликлар, хўжалик ҳамда мансаб билан боғлик бўлган иқтисодий жиноятларга оид жиноят ишларида амалга ошириладиган суд-бухгалтерия экспертизаси ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритиш жараённида бухгалтерия

ҳисоби субъектлари ўртасидаги ёки жисмоний шахслар билан юз берадиган бухгалтерия ҳисобига оид низолар бўйича фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд ишларида амалга ошириладиган суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш тартиби бўйича йўрикнома ишлаб чикиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

¹ Муаллиф томонидан тузилган



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. А.А.Амонов Суд-бухгалтерия экспертизаси. Маъруза матнлари тўплами - СамИСИ, 2017. -132 бет.
2. В.И.Зуев Судебная бухгалтерия: учебное пособие для студентов очной и заочной форм обучения юридического факультета. – Оренбург: Издательский центр ОГАУ, 2010. – 405 с.
3. Д.Р.Жалолова, Х.А.Боқиева Суд-бухгалтерия экспертизаси ўкув қўлланма -Т.: ТМИ, 2005 й.
4. Е.П.Нелезина Судебно-бухгалтерская экспертиза: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по специальностям “Юриспруденция”, “Бухгалтерский учет, анализ, аудит” / Е.П.Нелезина. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА: Закон и право, 2015, 167 с.
5. Е.Р.Россинская и др. Судебно-бухгалтерская экспертиза: учеб. пособие для студентов вузов / под ред. Е.Р. Россинской, Н.Д. Эриашвили. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. - 351 с.
6. Е.С.Дубоносов Судебно-бухгалтерская экспертиза: учебник для бакалавриата и магистра- туры /. — 2-е изд., перераб. и доп. — М.: Издательство Юрайт, 2019. — 229 с. — (Серия: Бакалавр и магистр. Академический курс).
7. Л.В.Каширская Методология и организация бухгалтерской экспертизы в бюджетных учреждениях: Автореф... дис.док.экон.наук.–Москва.:2013.– 42с.
8. Л.В.Каширская Основные этапы, техника и технология проведения бухгалтерской экспертизы // Вестник АГТУ. 2004. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-etapy-tehnika-i-tehnologiya-provedeniya-buhgalterskoy-ekspertizy> (дата обращения: 07.02.2023).
9. М.М.Махбубов, Ш.Я.Жумамуродов Дастлабки терговда хужжатли ревизия ва суд-бухгалтерия экспертизаси: Ўкув қўлланма. Тошкент: ТошДУ, 1989 й.
10. С.А.Звягин, Е.П.Мальцев Организационно-плановая документация бухгалтерской экспертизы // Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях. 2018. №20 (452). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/organizatsionno-planovaya-dokumentatsiya-buhgalterskoy-ekspertizy-2> (дата обращения: 03.03.2023).
11. С.А.Звягин, Ю.Н.Ширимов Организационно-плановые аспекты проведения судебно-бухгалтерской экспертизы // Вестник ВИ МВД России. 2015. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/organizatsionno-planovye-aspekte-provedeniya-sudebno-buhgalterskoy-ekspertizy> (дата обращения: 03.03.2023).
12. С.И.Ожегов Словарь русского языка / под ред. Н.Ю. Шведовой. М.: Русский язык, 1983. 816 с.
13. Т.В.Зырянова, А.Л.Полухина Бухгалтерская экспертиза как вид экономических экспертиз // Международный бухгалтерский учет. 2011. №48. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/buhgalterskaya-ekspertiza-kak-vid-ekonomiceskikh-ekspertiz> (дата обращения: 19.05.2023).
14. У.К.Кайимов Суд-бухгалтерия экспертизаси. Дарслик. – Т.: “Ўқитувчи”, 1993 й.